# Qishloq hayoti

2012 йил Мустаҳкам оила йили

Қишлоқ ҳаёти

O‘zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi www.qishloqhayoti.uz

2012-YIL 16-OKTABR, SESHANBA, 120 (8045)-son

1974-yil 1-yanvardan chiqa boshlagan

Bahosi kelishilgan narxda.




Аҳолини уй-жой билан таъминлаш “Ипотека банк” АТИБнинг энг асосий вазифаларидан саналади. Банк жамоасининг ушбу йўналишдаги ипотека кредитлари эвазига 5951 та оила янги хонадонларга кўчиб ўтди. Жорий йилда эса шундай оилалардан 358 тасига 18,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Мазкур маблағнинг 16,2 миллиард сўми ёш оилаларга берилган кредитлардир.



«Тахиатошдонмаҳсулотлари» очиқ акциядорлик жамиятига қарашли «Вахтел-Бехруз» корхонасига бир кеча-кундузда 2 тоннагача нон маҳсулотларини ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий печлар ўрнатилди. Тўрт турдаги нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилаётган корхонада уч навбатда иш ташкил этилган.



Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди. Мусобақа финалида Ўзбекистон терма жамоаси Россия футболчилари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, кетма-кет учинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлди.


САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА САҲИФАЛАРДА


## ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБОЙЖОН:

# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ 11-12 ОКТЯБРЬ КУНЛАРИ РАСМИЙ ТАШРИФ БИЛАН ОЗАРБОЙЖОН РЕСПУБЛИКАСИДА БЎЛДИ.

Ўзбекистон делегациясининг Озарбойжонга ташрифининг илк дақиқаларидаёқ қадим озарбойжон заминига хос бўлган анъанавий меҳмондўстлик, самимийлик, дўстона муносабат туйғулари ҳамда мамлакатимизга катта ҳурмат-эҳтиром намоён бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар ташқи сиёсий коньюнктура қандай бўлишидан қатъи назар, чуқур тарихий илдизлар, ўхшаш ва яқин миллий анъаналар, урф-одатлар, тил, маданият ва динга асосланади, ҳамкорлигимиз аниқ белгиланган йўналишларга эга. Дўстона алоқаларимизнинг янги тарихида мамлакатларимиз турли даражаларда ўзаро самимий ёрдам қўлини чўзиб, бир-бирини қўллаб-қувватлаганига кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга расмий ташрифи авваламбор мамлакатларимиз ўртасидаги дўстона муносабатларни янада мустаҳкамлаш, илгари эришилган келишувларни тўла амалга ошириш, ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг истиқболли устувор йўналишларини белгилаб олишга қаратилди.

Ўзбекистон Озарбойжон билан кенг кўламли ҳамкорликни мустаҳкамлашга ҳамиша алоҳида эътибор қаратиб келмоқда. Мустақиллик йилларида ўзаро ишончга асосланган муносабатлар қарор топди, мамлакатларимиз ўртасида ҳеч қандай муаммолар йўқ.

Томонлар ўртасида ана шундай самимийлик ва ўзаро ишонч муҳитида, конструктив ва амалий мулоқот руҳида ўтган музокараларда Ўзбекистон-Озарбойжон муносабатларининг бугунги ҳолати ва уларни ривожлантириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқаро хавфсизликка доир долзарб муаммолар муҳокама қилинди. Бир қатор муҳим ҳужжатлар имзоланди.

Президентимизнинг ташрифи асносида эришилган аниқ натижалар икки томонлама муносабатларни стратегик ҳамкорликнинг сифат жиҳатдан янги босқичига олиб чиқиш имконини берди.

Минтақавий хавфсизлик муаммоларини муҳокама қилар экан, томонлар давом этаётган можаролар ва кескинлик ўчоқларини давлатларнинг ҳудудий яхлитлиги тамойилига қатъий риоя қилиш асосида тинч йўл билан ҳал қилиш зарурлигини таъкидладилар.

Жанубий Кавказда қарама-қаршиликлар давом этаётган бугунги мураккаб вазиятда ҳам Озарбойжон мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришга доир дастурларни амалга ошириш, иқтисодиётни диверсификация қилиш, мамлакатнинг бой ресурсларидан самарали фойдаланиш борасида салмоқли натижаларга эришмоқда. Мамлакатда замонавий технологияларга, экспортни кенгайтириш ва жаҳон бозорларига интеграциялашишга асосланган саноат базаси яратилган. Озарбойжон ўзининг қулай географик ва геостратегик ўрнидан самарали фойдаланиб, ушбу улкан минтақадаги муҳим логистик марказлардан бири сифатидаги мақомини мустаҳкамлади.

Ўзбекистон ва Озарбойжон чегарадош бўлмаса-да, Жанубий Кавказ ва Марказий Осиёнинг геосиёсий ва геоиқтисодий жиҳатдан ўзаро боғлиқлиги тобора кучайиб бораётганини эътиборга оладиган бўлсак, мамлакатларимизни кўп жиҳатлар бирлаштириб туради.

Сўнгги йиллардаги воқеалар шуни яққол кўрсатмоқдаки, улкан минерал-хомашё ва углеводород ресурслари, бой маданий-тарихий ва инсон салоҳиятига эга бўлган, жаҳон сиёсатидаги энг муҳим минтақалардан бўлган дунёнинг мазкур икки минтақасида турли ташқи кучлар ва қудратли давлатларнинг манфаатлари ўзаро дуч келмоқда ва баъзида очиқдан-очиқ тўқнашмоқда.

Мазкур минтақалар, табиийки, ўзига хос хусусиятларга, шу билан бирга умумий жиҳатларга ҳам эгадир.

Бу, табиийки, мамлакатларимиз ва минтақаларимиз хавфсизлигини ҳамда уларни барқарор ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни таъминлаш йўлида қулай ташқи шароитлар яратиш учун давлатларимиз фаолиятини ва мамлакатларимизнинг ўзаро алоқаларини мувофиқлаштириш заруратини тақозо этади.

Минтақаларимизда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар эҳтимоли кучайиб бораётган ҳозирги шароитда Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг вазиятни барқарорлаштириш борасидаги ўрни ғоят муҳимдир ва мамлакатларимиз бундай таҳдидларга нисбатан адекват муносабатда бўлиши даркор.


(Давоми 2-саҳифада)


Сирдарё Вилояти




# МЕҲНАТ САМАРАСИ ХИРМОНЛАРДА НАМОЁН

**Бу йил деҳқон учун қулай келганлиги баракали ҳосил етиштириш имконини берди. Қишлоқ хўжалигида инфратузилма шакллантирилиб, уруғ, ўғит ва ёнилғи-мойлаш материалларининг дала бошигача етказиб берилаётганлиги, фермерларга катта ғамхўрликлар кўрсатилаётилганлиги, навларни тўғри танлаш, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш юқори сифатли ҳосил етиштиришда муҳим омил бўлаётир.**

Президентимиз раҳнамолигида қишлоқ хўжалиги, чунончи, пахтачиликда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижаси ўлароқ, касалликларга чидамли бир қатор навлар яратилдики, бу ҳосилдорлик ошиб, тола сифати яхшиланишини ҳам таъмин этаётир. Ерларнинг мелиоратив ҳолати ва ирригация тизимини яхшилаш борасида қилинаётган кенг кўламли ишлар натижаси Сирдарё вилояти пахтакорлари қўлга киритаётган ютуқларда ҳам яққол сезилиб турибди. Ҳудудларнинг ер шароитига қараб “Ан-Боёвут-2”, “С-6524”, “Бухоро-102”, шунингдек, истиқболли “Гулбаҳор”, “Навбаҳор”, “Кўпайсин” навларининг тўғри танлаб, жойлаштирилганлиги, айниқса, тунги суғоришга масъулият билан ёндашилиб, минерал ўғитлардан ташқари, маҳаллий ўғитнинг эгатларга “шарбат” қилиб оқизилганлиги ғўза серҳосил бўлиб ўсишини таъминлаш баробарида тупроқда намлик яхши сақланиши, унинг унумдорлиги ошишига ҳам шароит яратди. Вилоятда ғўза баргини тўктириш мақбул муддатларда ўтказилди. Бунда об-ҳаво иссиқ, салқинлигига қараб препаратлардан белгиланган меъёрда фойдаланилганлиги баъзи йиллардагидек кўсаклар куйиши, сунъий очилиб кетиши, муҳими, пахта вазнининг йўқотишига йўл қўйилмади. Йиғим-терим пайтидаги сафарбарлик уни мақбул муддатларда ўтказиш имконини бермоқда.


(Давоми 2-саҳифада)


# ФАОЛИЯТ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

**Миллий матбуот марказида “Ўзархив” агентлиги томонидан истиқболдаги вазифаларга бағишланган анжуман бўлиб ўтди.**

Тадбирда сўнгги йилларда соҳада ахборотлаштириш ва фуқароларнинг архивга кириш имкониятини янада такомиллаштириш бўйича фаол иш олиб борилаётгани эътироф этилди. Ҳозирда агентлик ҳузурида иш олиб бораётган хабар хизмати агентлик фаолиятини ҳамда унга тегишли бўлган корхоналар ҳақидаги маълумотларни фуқароларга етказаётир. Келажакда “Архив маълумотномаларини бериш интеграцион ахборот тизими” лойиҳасини амалга ошириш режалаштирилмоқда. Бу лойиҳа пенсия ва нафақани ноаниқ архив маълумотлари бўйича ҳисоблаш, архив маълумотномаларини қалбакилаштиришга йўл қўймасликка ёрдам беради ҳамда мутахассисларнинг вақтини тежаши мумкин.

Тадбирда журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олишди.

**Зулфия АҲМЕДОВА, “Qishloq hayoti” мухбири.**

## Куннинг муҳим воқеалари

▶ Тошкентда Жанубий Кореянинг қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш борасидаги тажрибаси ва эришган ютуқларига бағишланган конференция ҳамда мазкур соҳада қўлланиладиган Корея технологиялари кўргазмаси бўлиб ўтди. Унда кореялик ишбилармонларга мамлакатимиз иқтисодиётига сармоя жалб қилишнинг устувор йўналишлари, юртимиз қишлоқ хўжалиги соҳасидаги салоҳияти ҳақида батафсил маълумот берилди.

▶ **Пойтахтимизда “Талаба – 2012” халқаро таълим кўргазмаси бўлиб ўтди. Тадбир мамлакатимизнинг “Нео-Консалтинг” таълим компанияси томонидан Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида ташкил этилди. Кўргазма хорижда таҳсил олиш ниятида бўлган талаба-ёшларнинг чет эллардаги олий таълим муассасалари фаолияти билан танишиши учун яхши имконият бўлди.**

▶ Ғаллаорол туманидаги “Гулистон” қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида «Илғор барака сервис» хусусий корхонасининг 200 тонна мева-сабзавотни сақлайдиган музхонаси ишга туширилди.

Андижон Вилояти

# АСОСИЙ БАҲО – СИФАТ КЎРСАТКИЧИДА

## АНА ШУНДА ТОЛАМИЗ ХАРИДОРГИР БЎЛАВЕРАДИ

Балиқчи туманидаги Баҳромжон Қосимов раҳбарлик қилаётган “Обиджон ота” фермер хўжалиги пахта ҳосилдорлиги борасида вилоятда олдинги ўринларда турибди. 67 гектар ернинг ҳар гектаридан 47 центнердан пахта ҳосили йиғиб-териб олган фермер хўжалиги аъзоларининг димоғлари чоғ. Тайёрланган ҳосилнинг салмоқли қисми уруғликка ўтди.

Баҳромжон Қосимов ва унинг ҳамкасблари томонидан етиштирилган пахта “Чинобод пахта тозалаш” ОАЖ корхонасида қайта ишланади. Балиқчиликлар ҳозирга қадар 34 минг тоннадан зиёд ҳосил етиштириб қайта ишловчиларга топширишди. Пахта тозаловчилар мавсумга пухта ҳозирлик кўрганликлари эвазига режалар ортиғи билан бажариляпти. Энг муҳими, сифат кўрсаткичи аввалги йилларга нисбатан юқори бўлмоқда.

Ғўза иссиқсевар экин. Қуёшга тўйинган ғўзада яратилган пахтанинг ранги тиниқ, сифати юқори бўлади. Марказий лабораторияда узоқ йиллардан буён меҳнат қилаётган Муяссархон Бадалова, Холидахон Раҳматуллаева каби ўз касбининг фидойилари эътирофича, бу мавсумдаги пахтага ва ундан олинаётган толага таъриф йўқ. Тола сифати юқори. Сифатли ҳосил эса, албатта, қайта ишлаш жараёнида ҳам белгиланган параметрларни сақлаб қолади.

Корхона бош муҳандиси Шокиржон Ибрагимов ҳамроҳлигида иш жараёни билан танишдик. Зокиржон Ваҳобов, Шерзод Холиқов каби мутахассислар билан мулоқотда бўлдик. Ҳозиргача қабул қилинган ҳосилнинг 90 фоиздан зиёди юқори навларга олинибди. Хомашёни қайта ишлаш жараёнида узилишларга йўл қўйилмаяпти. Режа бўйича сентябрь ойида ушбу корхонада 862 тонна тола ишлаб чиқариш белгиланганди. Амалда эса бу кўрсаткич 971 тоннани ташкил этди.

— Фаолиятимизнинг асосий мезони — сифат, — дейди корхона раҳбари Авазбек Абдубоқиев. — “Андижон-35” навли ғўза пахтасини қайта ишлаяпмиз. Тола чиқиши 35 фоиздан юқорироқ бўлмоқда. Тошкентда ўтказиладиган VIII Халқаро Ўзбекистон пахта ва тўқимачилик ярмаркасига бизнинг корхонамизда тайёрланган пахта толалари ҳам қўйилмоқда. Ишончимиз комилки, ярмарка қатнашчиларига толамиз барча кўрсаткичлар бўйича маъқул келади.

Маълумотларга қараганда, Бўз, Пойтуғ ва Шаҳрихон пахта тозалаш корхоналарида ҳам қайта ишланаётган пахтадан олинаётган тола сифати кўрсаткичлари юқори параметрларга тўла-тўкис жавоб бермоқда. Буни Ўзбекистон “Сифат” маркази мутахассислари ҳам тасдиқлашмоқда.



Сўнгги йилларда пахта толасининг харидоргирлиги ортиб бормоқда. Бунга, аввало, аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар, пахта тозалаш корхоналарининг модернизация қилиниши, тайёр маҳсулотни халқаро андозаларда сақлаш, харидорларга жўнатиш тизимининг такомиллаштирилаётганлиги омил бўлаётир. Ҳар бир ҳудудда етиштирилаётган пахта толаси намуналари ярмарка кўргазмаларига қўйилмоқда.

**Қобилжон АСҚАРОВ, “Qishloq hayoti” мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН – ОЗАРБОЙЖОН:
# ДЎСТЛИК ВА ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШ ЙЎЛИДА

**(Боши 1-саҳифада)**

Музокараларда, шунингдек, савдо-иқтисодий ва транспорт-коммуникация соҳаларида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш билан боғлиқ масалалар кўриб чиқилди.

Давлатларимиз раҳбарлари икки томонлама савдонинг ҳозирги ҳолати Ўзбекистон ва Озарбойжоннинг иқтисодий салоҳиятига мос эмаслигини таъкидладилар. Ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини янада юксак даражага кўтариш учун амалий чора-тадбирлар кўриш зарурлиги қайд этилди.

Ўзбекистон Озарбойжоннинг нефть-газ саноатидаги салоҳиятини инобатга олиб, ушбу мамлакатдан узоқ муддатли асосда нефть-газ саноатида қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва улар учун эҳтиёт қисмлар, нефть-кимё саноати маҳсулотлари, шунингдек, Озарбойжон корхоналарида ишлаб чиқарилаётган бошқа маҳсулотларни сотиб олишга тайёр.

Айни пайтда Ўзбекистон корхоналари Озарбойжонга замонавий енгил ва юк автомобиллари, автобуслар, қишлоқ хўжалиги техникаси, кенг турдаги электротехника маҳсулотлари, кимё саноати, тайёр тўқимачилик маҳсулотлари, цемент ва қурилиш материаллари, минерал ўғитлар ва бошқа товарларни етказиб беришга тайёр.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга ташрифи доирасида ўтказилган бир қатор тадбирлар, озарбойжонлик ҳамкорлар билан ташкил этилган икки томонлама учрашувлар чоғида савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга доир кенг кўламли масалалар муҳокама қилинди.

Жумладан, Ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон – Озарбойжон ҳукуматлараро комиссиясининг ўнинчи мажлисида савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш учун мавжуд катта захиралар ва имкониятларни ишга солишдан, шунингдек, транспорт коммуникациялари ва транзит соҳасида ҳамкорликни чуқурлаштиришдан, шартномавий-ҳуқуқий базани кенгайтиришдан икки томон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

11 октябрь куни Ўзбекистон – Озарбойжон бизнес-форуми ўтказилди. Озарбойжоннинг етакчи компанияларидан юздан ортиқ вакиллар иштирок этган мазкур анжуманда томонлар мамлакатларимиз ўртасида ўзаро манфаатли савдо алоқаларини кенгайтириш учун катта салоҳият мавжуд эканини таъкидладилар ва кенг турдаги маҳсулотларни ўзаро етказиб бериш бўйича аниқ таклифларни муҳокама қилдилар.

Мисол учун, Озарбойжонда "GM Ўзбекистон" корхонасида "Шевроле" бренди остида ишлаб чиқарилаётган енгил автомобилларга талаб катта. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, сўнгги беш йилда Озарбойжонга мамлакатимизда ишлаб чиқарилган қарийб 4,5 минг автомобиль етказиб берилди ва яқин йилларда яна 3,3 минг автомобиль етказиб бериш тўғрисида келишувга эришилди.

Озарбойжонга автомобиллар етказиб бериш ҳажмини кўпайтиришни янада рағбатлантириш мақсадида Боку шаҳрида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Кобальт" русумли янги автомобиль тақдимотини ўтказишга тайёргарлик кўрилмоқда.

Озарбойжонга Ўзбекистондаги "МАН" ва "Исузу" корхоналари базасида ишлаб чиқарилаётган автобуслар, оғир юк автомобиллари, махсус техника, шаҳар коммунал хўжалиги техникаси, шу жумладан, ўт ўчириш машиналари, сув сепиш ва суғоришга мўлжалланган машиналар, юк кўтаргичлар ва бошқа техника воситаларини етказиб беришни йўлга қўйиш ҳам ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларидандир.

Мисол учун, ҳозирги кунда "СамАвто" корхонасида ишлаб чиқарилган 400 дан ортиқ автобус Озарбойжон йўловчи ташиш тизимида хизмат қилмоқда. Ушбу машиналар ўзининг юқори сифати ва қулайлиги билан ишончга сазовор бўлди ва 2013 йилда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган яна 150 автобусни етказиб бериш режалаштирилмоқда.

Озарбойжонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ислоҳ қилиш бўйича давлат дастурлари амалга оширилаётганини эътиборга оладиган бўлсак, ушбу мамлакат бозорига "ЎзКлассАгро" қўшма корхонаси ва "Тошкент трактор заводи" очиқ акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган комбайн ва тракторларни, шунингдек, минерал ўғитлар етказиб беришни йўлга қўйиш яхши истиқболга эга.

Ўзбекистон буғдойини Озарбойжон бозорига етказиб бериш борасида муайян тажриба тўпланган ва мазкур мамлакат компаниялари бундай ҳамкорликни Озарбойжонга йилига 50 минг тоннагача дон етказиб беришни ташкил этиш билан давом эттиришдан манфаатдор.

Умуман, озарбойжонлик шериклар билан ўтказилган тадбирлар ва икки томонлама музокаралар ҳамкорликни янада чуқурлаштириш ва кенгайтиришга қизиқиш юқори эканлигини кўрсатди. Озарбойжонга автомобиллар ва эҳтиёт қисмлар, қишлоқ хўжалиги техникаси, буғдой, минерал ўғитлар, кабель-ўтказгич маҳсулотлари ва бошқа товарларни етказиб бериш бўйича имзоланган ҳужжатлар бунинг далилидир.

Олий даражадаги музокаралар чоғида Марказий Осиё ва Кавказ минтақалари ўртасидаги транспорт йўлакларини ривожлантириш истиқболлари атрофлича муҳокама қилинди. Ушбу йўлаклар Қора денгиздаги Поти ва Ўртаер денгизидаги Мерсин (Туркия) бандаргоҳлари орқали Европа мамлакатларига чиқиш имконини беради.

Бу йўналишда Ўзбекистон, Туркманистон, Озарбойжон ва Грузия темир йўлларини Туркия темир йўллари тизими билан боғлайдиган ва Мерсин бандаргоҳи орқали Ўртаер денгизига чиқиш имконини берувчи Навоий – Туркманбоши – Боку – Тбилиси – Карс (Туркия) темир йўл транспорт йўлагидан фойдаланишга мамлакатимизда ҳар томонлама манфаатли лойиҳа сифатида қаралмоқда.

Бу хусусда сўз кетганда, томонлар Боку – Тбилиси – Карс темир йўли лойиҳасини амалга ошириш транспорт ва коммуникацияга оид лойиҳалар учун тамомила янги шароит яратишини, бу анча қисқа ва иқтисодий нуқтаи-назардан самарали янги транспорт йўналишини барпо этиш имконини беришини таъкидладилар.

Музокаралар якунида қабул қилинган Қўшма баёнотда савдо-иқтисодий муносабатларни кенгайтириш учун иқтисодий кооперацияни фаоллаштириш ва мавжуд юксак салоҳият ва имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳамда ўзаро товар айирбошлаш ва инвестициялар ҳажмини ошириш зарурлигига, Президент Ислом Каримовнинг ташрифи асносида имзоланган ва савдо-иқтисодий ҳамкорликнинг аниқ тадбирлари ва йўналишлари белгилаб берилган 2012-2015 йилларга мўлжалланган иқтисодий ҳамкорлик дастурини амалга ошириш бўйича тадбирлар режасини сўзсиз бажариш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилган.

Томонлар Ҳукуматлараро комиссиянинг изчил фаолияти бу масалада асосий мувофиқлаштиришувчи механизмга айланиши лозимлигини таъкидладилар.

Шу билан бирга, томонлар сўнгги йилларда Боку ва Тошкент шаҳарларида мамлакатларимизнинг миллий кўргазмалари ўтказилганини, мазкур анжуманлар Ўзбекистон ва Озарбойжон ишбилармон доиралари ҳамкорлик суръатларини оширишга, айниқса, давлатларимиз иқтисодиёти бир-бирини тўлдириши мумкин бўлган соҳаларда шерикликни янада ривожлантиришга катта қизиқиш билдираётганини намоён этганлигини қайд этдилар.

Томонлар, шунингдек, мамлакатларимизнинг мавжуд улкан транспорт-коммуникация ва транзит салоҳиятидан янада самарали ва ўзаро манфаатли асосда фойдаланиш учун ҳамкорликни икки ва кўп томонлама даражада давом эттиришга келишиб олдилар.

Маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ҳам ўзаро муносабатларни ривожлантиришдаги асосий устувор йўналишлардандир. Бу халқларимизнинг азалий маданий алоқалари, маънавий яқинлиги, анъана ва маданиятининг муштараклиги билан изоҳланади.

Боку шаҳрида Алишер Навоий ҳайкали, Тошкент шаҳрида Низомий Ганжавий ҳайкали ўрнатилган. Озарбойжон пойтахтидаги кўчалардан бирига буюк бобокалонимиз Мирзо Улуғбек номи берилган. Ўзбекистон пойтахтидаги кўчалардан бири озарбойжон халқининг буюк фарзанди Ҳайдар Алиев номи билан аталади.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги қирқ минглик озарбойжон диаспораси вакиллари юртимиздаги кўплаб миллат ва элатлар билан бирга тинч-тотув яшаб, мустақил ва суверен Ўзбекистон тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Сўнгги йилларда озарбойжон миллатига мансуб 27 нафар Ўзбекистон фуқароси, улар орасида машҳур олим ва ўқитувчилар, қурувчи ва ҳарбий хизматчилар, эл севган маданият ва санъат намояндалари бор, давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланганлари улар жамиятимизда ўзининг муносиб ўрнига эга эканлигидан яққол далолат беради.

Озарбойжонлик санъат усталари Самарқандда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалида мунтазам иштирок этиб, совринли ўринларни қўлга киритиб келмоқда.

Қўшма илмий-техник ишланмаларни ташкил этиш, икки мамлакат Фанлар академиялари ва олий таълим муассасалари ўртасида бевосита алоқаларни ривожлантириш, маданият соҳасида турли тадбирларни ўтказиш ўзаро ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидандир.

Ўзининг бетакрорлиги ва бунёдкорлик ишлари суръатининг юқорилиги билан кишида катта таассурот қолдирувчи Боку шаҳрининг бугунги қиёфаси изчил ривожланиб бораётган Озарбойжон эришаётган ютуқларни яққол намоён этади. Бугун мамлакат пойтахти жадал ривожланаётган мегаполисдир. Боку бир томондан Шарқона шаҳар бўлса, бошқа томондан Ғарб цивилизациясидан асло қолишмайдиган замонавий шаҳардир.

Шаҳарда деярли барча магистрал коммуникациялар бутунлай янгиланган. Боку ўзига хос, эҳтимол Шарқ мамлакатларига унчалик хос бўлмаган архитектура асосида барпо этилган кўплаб иншоотларга эга шаҳардир. Буларнинг барчаси бугун Озарбойжон нафақат Шарқнинг марказларидан бири, балки илғор меъморий ечимлар асосида барпо этилган замонавий мамлакат эканлигидан яна бир бор далолат беради.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг Озарбойжонга амалга оширган мазмунли ва самарали ташрифи натижаларидан хулоса қилиб шуни ишонч билан айтиш мумкинки, мазкур ташриф кўп қиррали ҳамкорликни янада ривожлантиришда, стратегик ҳамкорликни мустаҳкамлашда, халқаро ҳаётнинг долзарб муаммолари бўйича ўзаро манфаатли муносабатларнинг кенг кўламли масалаларини ўз ичига олган дастурни шакллантиришда муҳим янги босқич бўлди.

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА махсус мухбири.**
*Тошкент – Боку – Тошкент.*



# МЕҲНАТ САМАРАСИ ХИРМОНЛАРДА НАМОЁН

**(Боши 1-саҳифада)**

Шартномани ошириб бажарган фермер хўжаликлари тақдирланиб борилаётганлиги муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳаммамизга маълумки, ёз ҳавосининг ўта иссиқ бўлиши ғўза етарли ҳароратни олиши, пайкалларда ҳар йилдагиданда кўп ҳосил яратилишига замин яратди. Вилоятдаги фермер хўжаликларининг аксарияти биринчи терим ҳисобига давлатга пахта сотиш шартнома режасини ошириб адо этишди. Биринчи терим ҳисобига гектаридан 35-50 центнердан пахта топширган Боёвут туманидаги "Нурфайз", Гулистон туманидаги "Тоғли бургут ўлкаси", Оқолтин туманидаги "Саҳродаги узун булоқ", "Холдор", Сайхунобод туманидаги "Қоратой Мирзаев", Сирдарё туманидаги "Боғора чўққиси сари" фермер хўжаликлари аъзоларининг ғайрат-шижоатлари, мўл пахта етиштиришдаги тажрибалари кўпчиликка ибрат бўлмоқда. Ушбу фермер хўжаликларининг раҳбарларига вилоят ҳокимлиги ва "Пахтасаноат" вилоят бирлашмаси томонидан "Нексия" автомашиналари ажратилди.

— Бу йил чинакам пахта йили бўлди, — дейди Сайхунобод туманидаги "Қоратой Мирзаев" фермер хўжалигининг раҳбари Икром Қоратоев. — Суғориш даврида минерал ўғитлардан ташқари, гектарига 6 тоннадан гўнгни "шарбат" қилиб оқизганлигимиз кўсаклар ҳар қачонгидан мўл бўлишини таъминлади. Биринчи теримнинг ўзида 25 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 51 центнердан биринчи навли пахта йиғибтериб олиб, шўрхок ҳудуд шароитида ҳам мўл ҳосил етиштириш мумкинлигини исбот этдик.

Оқолтин туманидаги Қурбонгул Мамадалиева раҳбарлик қилаётган "Оқолтин сардори" фермер хўжалиги аъзолари 404 гектар майдондан мўл ҳосил топшириб, шартнома режасини ошириб бажаришди. Қўшқатор усул қўлланилган майдонларда ҳосилдорлик 42 центнердан ошиб кетди. Кейинги икки йилда чигитни қўшқатор қилиб экиш, ғўза парваришлаш тажрибаси қўлланилаётган хўжаликда юқори навли ва эртапишар пахта етиштиришда муҳим омил бўлди.

Ушбу хўжаликда қўлланилаётган қўшқатор усули Боёвут, Сайхунобод, Сирдарё, Сардоба ва Гулистон туманларидаги қатор фермер хўжаликларида синовдан яхши ўтди. Бу усулда меҳнат кўп талаб қилинсада анъанавий усулга қараганда ҳосилдорлик 10-12 центнер юқори бўлишига эришилди. Боёвут туманидаги "Аҳмадий", "Мулла Холиқул Бобо", "Боймурод Султонов", Ховос туманидаги "Аҳмад Хўжаев", "Каримовлар сулоласи", Оқолтин туманидаги "Улуғбек", "Олломурод сир", "Эшим ота", Сардоба туманидаги "Туркистон ўлкаси сари", "Абдулла Қодирий", Сирдарё туманидаги "Амур Темур", "Тинибек бобо" фермер хўжаликларида, айниқса, катта хирмон тикланди.

Боёвут тумани деҳқонлари уста миришкор деҳқон эканликларини бу йилги мавсумда ҳам исботлашди. Улар ҳозиргача шартномадагидан 2 минг тонна ошиқ пахта топшириб, йиғим-теримда карвонбоши бўлишмоқда. Оқолтин тумани пахтакорлари ҳам ҳосилдорликни оширдилар. Мирзаобод, Сардоба, Ховос туманлари миришкорлари ҳам пахтачиликда янгиликни қўллаш, техникага таяниб иш юритиш юқори самара беришини намоён этдилар.

— Қарийб 90 фоиз пахтани биринчи навларга қабул қилиб олдик, — дейди "Пахтаобод" пахта тозалаш корхонаси раҳбари Анвар Сафаров. — Тола чиқиши 35-35,5 фоизни ташкил этаяпти. Ҳозиргача янги ҳосилнинг 4 минг тоннаси қайта ишланиб, юқори сифатли тола олдик. Айни чоғда қабул суръатини сусайтирмаган ҳолда пунктларга ғарамланган ҳосилни сифатли сақлаш, тезу соз қайта ишлаш чораларини кўряпмиз.

Довондан ошган чўққини кўзлайди, дейдилар. Ҳозир ҳар бир сония ғанимат. Зеро, пешона тери эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир мисқоли ҳам далада қолмаслиги керак. Буни юракдан ҳис қилган сирдарёлик пахтакорлар далалардаги қолган ҳосилни йиғиб-териб олишда ғайрат-шижоатни бўшаштирмаяптилар.

**Бозорбой БЕКМУРОДОВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**
*Фурқат ТОШМАТОВ олган суратлар.*

# ЮРТ РАВНАҚИ, ТУРМУШ ФАРОВОНЛИГИ ЙЎЛИДА

## *"Ипотека банк" маблағлари ушбу мақсадларга йўналтирилаётгани билан аҳамиятлидир*

IPOTEKA BANK

**Бугунги кунда мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси банк-молия тизимидаги ижобий ўзгаришларда ҳам яққол кўзга ташланади. Зеро, молия муассасаларининг аҳоли манфаатидан келиб чиққан ҳолда кўрсатаётган хизматлари юртимизда тадбиркорлар сафининг кенгайишига, бозорларимизнинг турфа маҳсулотлар билан бойишига, энг муҳими, қўшимча иш ўринлари яратилиб, одамлар даромадининг ортишига хизмат қиляпти. Биргина мисол, республикамизда жорий йилнинг ўтган олти ойида "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида амалга оширилган ишлар натижасида оилалар фаровонлигини кўзловчи лойиҳалар учун барча манбалар ҳисобидан 1,1 триллион сўмга яқин маблағ ажратилди. Бу жараёнда молия муассасалари ҳам ўз маблағ ва хизматлари орқали муносиб улуш қўшишди, албатта.**

Бунга "Ипотека банк" акциядорлик тижорат ипотека банкининг фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади. Хусусан, банкда ўтган давр ичида барқарорликни ошириш, ресурс базасини мустаҳкамлаш борасида кўрилган чора-тадбирлар натижасида барча кўрсаткичлар бўйича сезиларли даражада ўсиш кузатилди. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, банк капитали 194,2 миллиард сўмга, депозит базаси 1 триллион 270 миллиард сўмга етгани, активлари ҳажми эса 3,2 триллион сўмдан ошгани бунинг тасдиғидир.

Айни пайтда банк 37 та филиал, 121 та минибанк, 500 дан ортиқ жамғарма кассаси, 143 та халқаро пул ўтказмалари шохобчаси орқали 70 мингта юридик ҳамда 970 минг нафар жисмоний шахсларга банк хизматларини кўрсатмоқда.

Банк ресурс базасининг ўсиши, ўз навбатида, иқтисодиётимизнинг турли тармоқларига ажратилаётган кредитлар ҳажмини оширишга имконият яратди. Банкнинг бундай самарали фаолияти халқаро ташкилотлар томонидан ҳам юксак баҳоланаётганининг боиси шунда. Молия муассасаси жорий йилнинг май ойида нуфузли халқаро ташкилот — "Standard & Poor's" агентлигининг «B+/B» "барқарор истиқболли" рейтингини қўлга киритди. Булар нафақат ушбу банк, балки мамлакатимиз банк тизимига берилган юксак баҳодир.

Ҳозирги кунда тадбиркорларимиз ҳар қадамда давлат ҳимоясини, эътибор ва ғамхўрлигини ҳис қилаётгани барчамизга маълум. Бу жиҳатлар тадбиркорлик фаолиятини бошлаш ва ривожлантириш учун берилаётган мадад — имтиёзли кредитлар салмоғи ошаётганида ҳам намоён бўлмоқда.

Жумладан, "Ипотека банк" томонидан 2012 йилнинг 9 ойида 320,6 миллиард сўм миқдоридаги маблағ 5100 дан ортиқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини кредитлашга йўналтирилди. Ажратилган сармоялар ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан қарийб 1,3 баробарга кўпайгани, бунинг самараси ўлароқ, 7 мингдан зиёд янги иш ўрни яратилгани, айниқса, диққатга сазовор.



Худди шунингдек, ўтган давр мобайнида банк жамоасининг микрокредитлар ажратиш масаласига алоҳида эътибор қаратгани бу йўналишда ҳам ўтган йилнинг шу давридагига қараганда 1,3 баробар ўсишга сабаб бўлди.

Банк жамоаси томонидан аёл тадбиркорларга жами 29,7 миллиард сўмлик кредитлар ажратилгани 1127 та янги иш ўрни ташкил этилишига замин яратди.

Тадбиркорликка эндигина кириб келаётганларнинг кредит олиш имкониятларини кенгайтириш, шу жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчиларини тадбиркорликка жалб этиш мақсадида банкнинг ўз маблағлари ҳисобидан 2 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилди.

Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг лойиҳаларини рўёбга чиқариш, молиявий имкониятларини кенгайтириш мақсадида уларга 4,5 миллиард сўм маблағ ажратилди. Ушбу миқдор ўтган йилга нисбатан 1,4 баробарга кўпдир.

Президентимизнинг 2009 йил 26 январдаги "Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ҳамда 2009 йил 28 январдаги "Маҳаллий ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар туфайли ажратилган 119 миллиард сўмга яқин маблағ эса ички бозоримизни янги маҳсулотлар билан бойитишга хизмат қилмоқда. Қолаверса, Инвестиция дастурига банкнинг асосий мижозлари — "Олмалиқ кон-металлургия комбинати", "Ўзметкомбинат", "Тошкент иссиқлик электр маркази" очиқ акциядорлик жамиятлари, "Река мед фарм", "Намимпэкс текстиль" масъулияти чекланган жамиятлари, "Ҳаёт пауер кабель системс" қўшма корхонаси ҳамда "Дентафил плюс", "Радикс" хусусий корхоналаридан ўттиздан ортиқ лойиҳалар тақдим этилгани банк жамоаси зиммасига катта масъулият юкламоқда. Шу боис, банкда мазкур лойиҳаларни молиялаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

"Ипотека банк" чакана хизматлар кўрсатишда катта тажриба тўплаган молия муассасаларидан бири ҳисобланади. Банк томонидан жисмоний шахсларнинг миллий ва хорижий валютадаги маблағларини депозитларга жалб қилиш, уларга истеъмол ва ипотека кредитлари бериш, пластик карточкалар орқали хизмат кўрсатиш каби юздан зиёд турдаги хизматларнинг тақдим этилаётгани бунинг тасдиғидир. Шунга кўра, жорий йилнинг тўққиз ойи давомида аҳолидан жалб қилинган омонатлар миқдори 238,3 миллиард сўмга етиб, йил бошидагига нисбатан 44,6 миллиард сўмга ошди.

Шу билан бирга, мазкур молия муассасасида жисмоний шахсларга узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар сотиб олиш ва хизматлар харид қилиш учун истеъмол кредитлари бериш ишлари изчил давом эттирилди. Бунинг учун маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан яқин алоқа ўрнатилгани айни муддао бўлаётир.

Аҳолини уй-жой билан таъминлаш "Ипотека банк" АТИБнинг энг асосий вазифаларидан саналади. Банк жамоасининг ушбу йўналишдаги саъй-ҳаракатлари, аниқроғи, молия муассасасининг умумий ҳисобда 161,5 миллиард сўмлик ипотека кредитлари эвазига 5951 та оила янги хонадонларга кўчиб ўтди. Жорий йилда эса шундай оилалардан 358 тасига 18,8 миллиард сўмлик кредитлар ажратилди. Мазкур маблағнинг 16,2 миллиард сўми ёш оилаларга берилган кредитлардир.



Банк жамоасининг пластик карточкалар билан ишлаш амалиёти ҳам таҳсинга лойиқ. Асосийси, ушбу хизмат турининг сифатли йўлга қўйилиши мижозлар сафининг кенгайишида муҳим омил бўлмоқда.

2012 йил 1 октябрь ҳолатига кўра, банк мижозларига тарқатилган пластик карточкалар сони 826 мингтадан ошди. Бу кўрсаткич ҳам йил бошидагига кўра, 35,5 мингтага кўпайган. Савдо ва пуллик хизмат кўрсатувчи хўжалик субъектларига берилган терминаллар сони эса 12,374 тани ташкил қилди. Пластик карточкалар орқали 986,4 миллиард сўмлик нақд пулсиз транзакциялар амалга оширилиб, бу кўрсаткич жами транзакцияларнинг қарийб 80 фоизини ташкил этмоқда. Транзакциялар миқдори эса, 2012 йил бошига нисбатан 4,5 баробарга ортган.

**Шодиёр ЙЎЛДОШЕВ,**
**"Qishloq hayoti" мухбири.**

ФУТБОЛ

# ЎЗБЕКИСТОН АМПУТАНТЛАР ТЕРМА ЖАМОАСИ — УЧ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ

**Россиянинг Калининград шаҳрида футбол бўйича ампутантлар ўртасидаги жаҳон чемпионати якунланди. Мусобақа финалида Ўзбекистон терма жамоаси Россия футболчилари устидан 1:0 ҳисобида ғалаба қозониб, кетма-кет учинчи маротаба жаҳон чемпиони бўлди.**



Навбатдаги, яъни X жаҳон чемпионатида Ўзбекистон шунингдек, Аргентина, Англия, Польша, Эрон, Сальвадор, Гана, Туркия, Украина, Россия, Либерия ва Япония каби дунёнинг энг кучли терма жамоалари ғолиблик учун куч синашди. Мусобақа қоидасига кўра, икки гуруҳда куч синашган терма жамоалар орасидан дастлабки икки поғонани эгаллаган жамоалар ярим финалга йўлланма олди.

Вакилларимиз мусобақада барча рақибларини мағлубиятга учратишга муваффақ бўлишди. Хусусан, гуруҳ баҳсларида Мавзурхўжа Умархўжаев бош мураббийлигидаги Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси Туркияни 6:1, Японияни 7:0, Либерияни 8:2, Англияни 4:2 ва Украинани 4:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, биринчи ўринни эгаллашди.

2010 йилги жаҳон чемпионати финалчиси – Аргентина терма жамоасига қарши кечган ярим финал учрашуви ҳам йирик — 4:0 ҳисобида вакилларимиз фойдасига ҳал бўлди.

Финалда вакилларимиз мезбон жамоа – Россия футболчиларига қарши тўп сурищди. Ҳамюртларимизга финалда ғалаба келтирган ягона голни Ҳайдарали Турсунбоев киритди.

Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси бунгача 2007 йили Туркияда ва 2010 йили Аргентинада ўтган жаҳон чемпионатларида ҳам чемпион бўлган. 2007 йилги мусобақа финалида ҳам ўзбекистонлик футболчилар Россияни мағлубиятга учратишган эди. 2010 йили Аргентинада бўлиб ўтган турнирда эса терма жамоамиз финалда мезбонларни 1:3 ҳисобида мағлуб этганди. Икки йил аввалги финалда ҳам Ҳайдарали Турсунбоев гол уришга муваффақ бўлганди. Ўзбекистон ампутантлар терма жамоаси — трикампионлар Калининград – Тошкент йўналиши бўйлаб парвоз қилиб, 18 октябрь куни соат 04:15 да Ўзбекистонга келиб қўнишади.

ОҒИР АТЛЕТИКА

# УЛАН-БАТОРДАН ШОДА-ШОДА МЕДАЛЛАР БИЛАН

**Мўғилистон пойтахти Улан-Батор шаҳрида ўсмирлар, ёшлар ва катталар ўртасида оғир атлетика бўйича Осиё кубоги мусобақалари ўтказилди. Унда иштирок этган вакилларимиз ўн бешта олтин, саккизта кумуш ва битта бронза медални қўлга киритишди.**



Осиё кубогида асосан профессионал спортга энди қадам қўяётган ёш спортчиларимиз қатнашди. Ўсмирлар ўртасидаги вазни 85 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида Азамат Шарипов штангани даст кўтаришда 105, силтаб кўтаришда 130 ва иккикураш бўйича 235 килограмм натижа қайд этиб, учта олтин медални қўлга киритди, у шунингдек, ёшлар ўртасидаги беллашувларда ҳам тенгсиз эканини исботлаб, уч маротаба шоҳсупанинг энг юқори поғонасига кўтарилди.

Вазни 105 килограммгача оғирликдаги полвонлар ўртасида Сардор Дўстмуродов ёшлар ва катталар ўртасидаги баҳсда штангани даст ва силтаб кўтариш ҳамда иккикураш натижаларига кўра энг юқори кўрсаткични қайд этиб, олтита олтин медални қўлга киритган бўлса, 94 килограммгача бўлган оғир атлетикачилар баҳсида Аваз Идиев ҳам учта олтин медалга сазовор бўлди.

Катталар ўртасида Баҳром Мендибоев ва Жаҳонгир Зиннатов учтадан кумуш, Улуғбек Олимов иккита кумуш ва бир бронза медаль билан тақдирланди.

**Азиз НУРУЛЛАЕВ**

НаВоий Вилояти

АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...

# ҚАРЗ У ҚАДАР КАТТА ЭМАС ЭКАН

**Хатирчилик Нарзулла Кенжаев дастлаб Сирдарё, кейин эса Жиззах вилоятларида қишлоқ хўжалиги соҳасида 25 йилдан кўпроқ меҳнат қилди. Тўққиз нафар фарзандни тарбиялаб, вояга етказди. Унга Хатирчи тумани Ижтимоий таъминот бўлими томонидан 1998 йилнинг 14 июлидан Ўзбекистон Республикаси "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонунининг 14-моддасига асосан муддатидан олдин ёшга доир пенсия тайинланган.**

Биринчи марта пенсия тайинлашда Жиззах вилояти А.Саркисов номли 12-совхозда ишлаган 1985-1989 йиллардаги беш йиллик иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотлар асосида пенсия ҳисоблаб чиқилган. 1999 йилдан бошлаб эса унинг пенсияси Сирдарё вилояти Оқ олтин тумани "Андижон" деҳқон фермер хўжаликлари бирлашмаси томонидан берилган 1966-1970 йиллардаги иш ҳақлари тўғрисидаги маълумотнома асосида қайта ҳисобланиб, тўланиб келинган.

Нарзулла Кенжаевнинг 2011 йилнинг декабрь ойи ҳолатидаги пенсия миқдори 433 396 сўм 17 тийинни ташкил қилган.

Лекин, 2012 йилнинг 2 январида Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Хатирчи тумани бўлими Пенсия ва нафақа тайинлаш бўлими томонидан 2002 йилнинг 1 августидан 2012 йилнинг 1 январига қадар унга 9 миллион 367 минг 957 сўм ортиқча пенсия тўланганлиги тўғрисидаги ёзма огоҳлантириш хатини олганда, унинг тинчи бузилди.

Пенсиядан ортиқча тўланган пулни қайтаришни талаб қилаётган Пенсия жамғармасининг туман бўлими ходимлари унинг пенсиясидан ушлаб қолаётганлигидан сўнг, Навоий вилояти адлия бошқармасига мурожаат қилишга мажбур бўлди.

Мурожаатдаги масала илова қилинган ҳужжатлар ва ўзининг берган кўрсатмалари асосида адлия бошқармаси томонидан ўрганилганда, пенсияни қайта ҳисоблаш даврида Н.Кенжаевнинг 1966 йилдан 4 ой, 1967 йилдан 2 ой ва 1968 йилдан 1 йил давомида ишлаган даврлари ҳисобга олинмасдан қолганлиги оқибатида унга жами 9 миллион 367 минг 957 сўм миқдорида ортиқча пенсия берилган, деб ҳиобланиб, ушбу пулни 2012 йил 15 декабрь кунига қадар тўлаши лозимлиги ҳақида огоҳлантирилганлиги маълум бўлди.

Ушбу масала 2012 йил 15 февраль куни вилоят адлия бошқармасида фуқаро Н.Кенжаев, пенсия бўйича мутахассислар ҳамда вилоят Назорат-тафтиш бошқармаси вакили иштирокида муҳокама қилинди. Натижада ариза берувчининг иш стажлари ва иш ҳақларини ҳисоблашда ҳақиқатдан ҳам камчиликларга йўл қўйилганлиги маълум бўлди.

Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, вилоят адлия бошқармаси тақдимномасига биноан фуқаро Н.Кенжаевнинг юқорида кўрсатилган даврлардаги иш стажлари ва иш ҳақлари мутахассислар томонидан қонуний қайта ҳисобланиб, пенсионернинг ортиқча тўланган пенсия миқдори 9 миллион 367 минг 957 сўм эмас, балки 747 минг 405 сўм эканлиги тегишли тартибда аниқланди.

Пенсионер отахон айрим мутахассисларнинг эътиборсизлиги туфайли "бўйнига тушган" катта "қарзи"дан адлия ташкилоти аралашуви билан қутулди.

Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Хатирчи тумани бўлими Пенсия ва нафақа тайинлаш 1-тоифали инспектори Зафар Муртазаевга эса ўз лавозим мажбуриятига масъулиятсизлик билан ёндашганлиги, иш жараёнида йўл қўйган хатоси учун Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасига асосан "ҳайфсан" берилди.

**Қаҳрамон ҲАФИЗОВ,**
**Навоий вилояти адлия бошқармаси бўлим бошлиғи.**


Реклама ва эълонлар





## ЭЪЛОН

**"Ўзбекэнерго" ДАК тасарруфидаги бино ва иншоотларни мукаммал таъмирлаш бўйича ихтисослаштирилган пудратчи корхоналар раҳбарлари диққатига:**

"Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" ОАЖ лойиҳа ва смета ҳужжатлари ишлаб чиқилган Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси, 1/1 уйда жойлашган 4 қаватли маъмурий бинода мукаммал таъмирлаш ишларини бажариш бўйича танлов эълон қилади. Танловга қатнашиш учун ўз таклиф ва хулосангизни "Бухоро ҳудудий электр тармоқлари корхонаси" ОАЖнинг Бухоро шаҳар Саноатчилар кўчаси 1/1 уйда жойлашган ИЧТХ бўлимига 2012 йил 1 ноябргача тақдим этишингиз сўралади. Танлов 2012 йил 12 ноябрда "Бухоро ХЭТК" ОАЖнинг маъмурий биносида бўлиб ўтади.

Барча қизиқтирган саволлар бўйича 8-365-225-43-66 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

**Маъмурият**

## ОБЪЯВЛЕНИЕ

**Вниманию руководителей, специализированных подрядных предприятий по капитальной реконструкции зданий и сооружений ДАК "Узбекэнерго" ОАО**

"Бухоро худудий электр тармоклари корхонаси" объявляет тендер, по выполнению капиталной реконструкции 4-х этажного административного здания, на которое подготовленны все проектно-сметные документы, расположенное по адресу: г. Бухара, ул. Саноатчилар, дом 1/1. Просим, предоставить Ваши предложения, по участию в тендере до 1 ноября 2012 г. в отдел ИЧТХ, расположенный по адресу: г. Бухара, ул. Саноатчилар, дом 1/1. Тендер будет проводится 12 ноября 2012 г. в административном здании ОАО "Бухоро ХЭТК".

По всем заинтересовавшим вопросам можно обращаться по телефону: 8-365-225-43-66.

**Администрация**

Тошкент ш. Ҳамза т. ҳокимлиги ҳузуридаги ТСРЎИ томонидан рўйхатдан ўтган Якка тартибдаги тадбиркор Зияев Аъзамжон Ганибаевичга тегишли думалоқ муҳр йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. Учтепа т. ТСРЎИда (26.01.2011 й., реестр № 004173-01) рўйхатдан ўтган "TULPOR" МЧЖ (ИНН 301428192) устав фонди 128 070 126 сўм 70 тийиндан 69 058 171 сўм 98 тийинга камайишини маълум қилади.

Тошкент ш. Юнусобод т. БТИси томонидан Юнусобод т. Мавлянова кўч. 26-уй 29-хонадон манзилидаги уй учун берилган Мамаюсупов Алишер Пўлатович номига расмийлаштирилган уй ҳужжатлари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент ш. М.Улуғбек т. Марказ-2 "Мустақиллик" маҳалласига Тошкент ш. Қуйбишев р-ни ҳокимининг 11.05.1992 й.даги № 16-ПХ сонли қарорига асосан берилган маҳалла қўмитасини рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "BRILLIANT-STOM-SERVIS" сообщает о присоединении с 01.10.2012 г. к ООО "MEDIKAL UNLIMITED".

ООО "SARDOR BIZNES PLAST" (ИНН 302122029), зарегистрированное ИРСП Сергелийского р-на г. Ташкента (реестр № 003208-06, 19.10.2011 г.), расположенное по адресу: массив Сергели-7 д. 67 кв-ра 34, сообщает об уменьшении уставного фонда с 14 151 000 сум на 10 075 500 сум. Претензии принимаются по тел.: 812-27-76 в течении 3 месяцев.

ООО "AGROTEXKOMPLEKT-PLUS" (ИНН 206716221) извещает о том, что Уставный фонд предприятия который составлял 181 258 821 сум уменьшается до 37 030 000 сум. Претензии принимаются по адресу: Юнусабадский р-н ул. От Чопар 60. Тел.: 345-86-96.

ООО "GERMES TRAVEL" (ИНН 206997467), зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского р-на г. Ташкента (реестр № 004828-08, 24.04.2009 г.), расположенное по адресу: г. Ташкент ул. К.Шарипова 41, ликвидируется (решение № 1 от 28.09.2012 г.). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня публикации.

ЧП "PARMANENT LYUKS", Учтепинского р-на г. Ташкента (ИНН 301020401), сообщает об изменении формы собственности и реорганизации в ООО "PARMANENT LYUKS" с переходом всех прав и обязательств ЧП "PARMANENT LYUKS" к ООО "PARMANENT LYUKS". Тел.: 190-13-90.









"Тошкент шаҳар ер тузйш ва кўчмас мулк кадастр хизмати" ДУК томонидан "TOSHKENT RAVNAQ KO'RKI" МЧЖ номига Тошкент ш. Ҳамза т. Строительная кўч. 1-уй манзилида жойлашган Завод учун 18.03.2010 й.да ер участкаси учун берилган O'Y № 212346 сонли ва бино иншоотига берилган ТА № 0918839 сонли кадастр гувоҳномалари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ООО "MEGATEC ASIA", расположенное по адресу: г. Ташкент Чиланзарский р-н массив Алгоритм д. 8 кв-ра 23, зарегистрированное ИРСП Чиланзарского р-на (01.12.2009 г., реестр № 005449-08), ликвидируется (решение о добровольной ликвидации от 15.10.2012 г. № 2). Претензии принимаются в течение 2-х месяцев по тел.: 679-58-17.


Бош муҳаррир: Чори ЛАТИПОВ

МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Агросаноат комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирлик ва идоралар.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ: Зафар РЎЗИЕВ, Улуғбек УЗОҚОВ, Фарҳод ОМОНОВ, Эркин ҚУДРАТОВ, Муса АНОРБОЕВ, Абдиваҳоб ТАМИКАЕВ, Маҳмуд ТОИР, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ, Омонулла ЮНУСОВ, Анвар ҚУЛМУРОДОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Ренат НАЗАРОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муҳиддин АБДУСАМАТОВ (Масъул котиб).

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2009 йил 13 февралда № 0020-рақам билан рўйхатдан ўтказилган.

ISSN 2010-7021

ТЕЛЕФОНЛАР: Қабулхона — 236-58-83, Котибият — 233-95-17, Аграр масалалари бўлими — 233-76-78, Ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий масалалар бўлими — 236-56-30, Маънавият ва маърифат бўлими — 236-56-21, Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими — 233-28-04, Факс — 233-44-43, 233-28-04, 233-09-93.

ҲУДУДЛАРДАГИ МУХБИРЛАР: Қорақалпоғистон Республикаси – (+99890) 728-09-78; Андижон – (+99893) 630-73-03; Бухоро – (+99891) 247-29-59; Жиззах – (+99890) 297-44-09; Навоий – (+99891) 537-14-36; Наманган ва Фарғона – (+99890) 278-95-87; Самарқанд – (+99891) 537-24-95; Сирдарё – (+99894) 168-23-60; Сурхондарё – (+99890) 519-86-50; Тошкент – (+99890) 976-39-58; Хоразм – (+99890) 438-71-25; Қашқадарё – (+99891) 635-08-03.

Реклама ва эълонлар – 236-58-83, 233-28-04.
Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар

Навбатчи муҳаррир: А.НУРУЛЛАЕВ
Мусаҳҳиҳ: О.ОЧИЛОВ
Дизайнер: М.БОБОМУХАММЕДОВА

Газета сешанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади.
Буюртма Г-1014, ҳажми 2 босма табоқ.
Офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
Босишга топшириш вақти: 21.00
Босишга топширилди: 21.40
15556 нусхада босилди. Нашр индекси — 144
Манзилимиз: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй
E-mail: info@qishloqhayoti.uz qh02@rambler.ru
Газета таҳририятнинг ўзида компьютерда терилди ва саҳифаланди.
"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.
1 2 3 4